

3. Указ Президента Республики Узбекистан от 01.08.2018 г. N УП-5495 (с изменениями и дополнениями на 01.10.2018) «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан».
4. Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. № УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан".
5. Носова О.В. Влияние притока прямых иностранных инвестиций на экономический рост / О.В. Носова // Вісник економічної науки України. - 2016. - № 1 (30). - С. 201–207. - Бібліогр.: 19 назв. - рос. Режим доступа: <http://dspace.nbuv.gov.ua/handle/123456789/100403>
6. Фирсова С. Н. Инновации как источник экономического роста и движущая сила качественных преобразований // Часопис економічних реформ. 2016. - 1 (21). - С. 39-43. Режим доступа <https://elibrary.ru/contents.asp?id=34249171&selid=26318464>
7. Behera S.R. Regional foreign direct investment and technology spillover: evidence across different clusters in India // Economics of innovation and new technology. - 2017, №7. - P/ 596-620. ISSN: 1043-8599 eISSN: 1476-8364. Режим доступа <https://elibrary.ru/item.asp?id=31864780>
8. <https://www.gazeta.uz/ru/>
9. www.stat.uz
10. Составлено автором на основе статистических данных

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА БАХОЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Хашимова Наима Абитовна -
ТДТУ, иқтисод фанлари доктори
Тиллаева Барно Рамизитдиновна -
ТДТУ, мустақил изланувчи

Аннотация: Мақолада инвестицион муҳитни шаклланиш ва баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Инвестицион муҳитни изоҳлаш ва баҳолашга турли хил ёндашувларни таҳлил қилган ҳолда ёндашуви таклиф қилинган.

Калит сузлар: инвестиция, инвестицион муҳит, инвестицион салоҳият, инвестицион фаоллик, инвестицион жозибadorлик.

Аннотация: В статье рассматриваются особенности формирования и оценки инвестиционного климата. Подход инвестирования предлагается путем анализа различных подходов к интерпретации и оценке окружающей среды.

Ключевые слова: инвестиция, инвестиционный климат, инвестиционный потенциал, инвестиционная активность, инвестиционная привлекательность.

Аннотация: the article discusses the peculiarities of the formation and assessment of the investment climate. The main approaches to the definition and assessment of the investment climate were analyzed and the author's approach to the assessment of the investment climate was proposed on the basis of them.

Keywords: investment potential, structure of investment potential, investment appeal, investment climate, factors of investment process.

Кириш. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ҳамда ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган[1].

Ривожланган мамлакатлар амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, инвестиция жалб қилмай туриб, иқтисодиётни етарли даражада ривожлантириб бўлмайди. Ана шуни эътиборга олиб, мамлакатда инвестицион муҳитни шакллантиришга шароит яратиш ва уни тезлаштириш, рағбатлантириш мақсадида давлатимизда бир қатор қонунлар ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Бунга яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекис-

тон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мисол қилиб келтириш мумкин[2].


Инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш учун одатда инвестиция муҳити деб аталувчи муайян шарт-шароитлар талаб этилади. Ҳозирги замон иқтисодиётига оид адабиётларда бу атама жуда кенг тарқалган, аммо шу кунгача аниқ таърифга эга эмас. Ушбу тушунча иқтисодий тизимлар ҳолатининг ўта ноаниқ сифат хусусиятлари билан тавсифланади. Унинг йўқлиги, албатта, умуман мавжуд эмаслигини англатмайди. Фақатгина "инвестиция муҳити" тушунчаси ҳали умумэтироф этилган илмий категория сифатида шаклланмаганлигини англатади. Инвестиция муҳити деганда “мамлакат иқтисодиётига инвестицияларнинг фаол жалб қилинишига таъсир

кўрсатувчи молиявий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар тушунилади. Ҳукуматнинг барқарорлиги, сармоядорларнинг ҳуқуқларини белгилайдиган, яхши ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий база қулай инвестиция муҳитининг яратилишига ёрдам беради"[4].

Ушбу ўта ноаниқ таърифлар маълум даражада инвестиция муҳити тушунчасининг кенглиги ва серқирралигини намоиш этиш имкониятини беради ва эҳтимол, шунинг учун биз ўзбек олимларининг асарларида "инвестиция муҳити" категориясига аниқроқ таърифни топа олмадик. Ҳатто "Ўзбекистан – деловой партнёр (потенциал преобразования, инвестиционный климат)"[3] ва "Инвестиции в Узбекистане"[10] каби йирик асарларда ҳам инвестиция муҳитининг аниқ таърифи йўқ. Ушбу таъриф юқоридаги келтирилган таърифларга яқин эканлигини фақат матндан англашимиз мумкин. Бир нарс

аниқки, инвестиция муҳити мамлакатда амал қилувчи шароитлар ва омилар йиғиндисини ўз ичига олади.


Асосий қисм. "Инвестиция муҳити" тушунчасининг ноаниқлиги аста-секин иқтисодий адабиётларда янги - инвестициявий жозибаторлик атамасининг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу тушунчанинг ўзига хос хусусияти уни муайян кўрсаткичлар тўплами билан ўлчашга уринишдадир. Ушбу муаммони ўрганиш жараёнида, баъзи муаллифлар инвестиция муҳити ва инвестициявий жозибаторлик тушунчаларига бир-бирига ўхшаш таърифлар берадилар[15]. Бошқалар, инвестиция муҳити тушунчаси инвестициявий жозибаторлик тушунчасига нисбатан кенгроқ ва сиғимлироқ тушунчадир, ҳамда у инвестициявий фаоллик ва инвестициявий жозибаторлик билан белгиланади[12], дейдилар. (1-расм).



1-расм. Инвестиция муҳитни шакллантириш схемаси[6]

Бундан кўриниб турибдики, ушбу йўналиш тарафдорлари мазкур тушунчаларни изоҳлашда инвестиция муҳитини инвесторнинг сармоя киритиш истагига таъсир кўрсатувчи шартлар (омилар) тўплами сифатида белгилайдилар, яъни инвестициявий фаоллик - нафақат инвестициявий жозибаторлик, балки инвестиция муҳити учун ҳам самарали белгидир. Учинчи гуруҳ муаллифлари, инвестициявий жозибаторликни инвестиция муҳитини баҳолаш учун натижа кўрсаткичларидан бири сифатида кўриб чиқадиладар. Бундан ташқари, улар инвестиция муҳитига корхона, тармоқ, ҳудуд (инвестициявийсалоҳият) имкониятлари, ҳамда инвесторнинг фаолият юритиши учун шарт - шароитларни (инвестиция хавфи) ўз ичига олади, бу эса ушбу тушунчаларни таққослашга имкон беради, деб ҳисоблайдилар.

Бунда улар, агар инвестициявий салоҳият инвестиция хавфидан юқори бўлса, унинг инвестициявий жозибаторлиги ҳақида сўз юритиш мумкин деган хулосага келадилар[11]. Юқорида қайд этилганидек, инвестициявий жозибаторлик иқтисодиётга оид адабиётларда бир қатор ўхшаш "инвестиция муҳити", "инвестиция имиджи" каби тушунчаларга эга. Аммо улар бир хил эмас. Одатда "инвестиция муҳити" атамаси мамлакат иқтисодиётига ички ва ташқи инвестицияларнинг кириб келишига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, молиявий шароитларнинг йиғиндисини сифатида тушунилади, "инвестиция имиджи" эса инвестиция муҳитининг турли жиҳатларини инвесторлар тасаввурида комплекс акс этишидир[12]. Бундан инвестиция фаолияти тизими бир қатор элементларни ўз ичига олиши кўриниб турибди (2-расм).



2- расм. Инвестиция фаолияти тизим элементларининг ўзаро боғлиқлиги [13]

Инвестициявий жозибadorлик тушунчасининг турли талқинлари муқаррар равишда унинг корхонанинг барқарор молиявий ҳолати, капиталнинг даромадлилиги, акциялар курси ва тўланаётган дивидендлар даражасини акс эттирувчи ички таркибий қисмларини аниқлашда турли ёндашувларга олиб келади. Иккинчи ёндашувда, бу - инвестор ва инвестиция реципиентининг манфаатлари ва имкониятларининг мувофиқлаштирилишига асосланган инвестициялашнинг иқтисодий (ижтимоий-иқтисодий) мақсадга мувофиқлигидир. Бу эса ҳар иккаласининг ҳам мақбул даражадаги даромадлилик ва инвестиция ҳавфи мавжуд бўлгани ҳолда ўз мақсадларига эришишларини таъминлайди.

Инвестицияларнинг жозибadorлиги уларнинг истиқболлилиги, даромадлилиги, самарадорлиги ва уни ривожлантиришга инвестиция қилиш ҳавфини минималлаштириш нуқтаи назаридан тавсифланади. Бундан ташқари, одатда, макро даражада инвестициявий жозибadorлик куйидаги омиллар билан белгиланади: мамлакатда сиёсий барқарорлик ва уни олдиндан айта билиш; асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар (инфляция даражаси, ЯИМнинг ўсиш суръатлари, саноат маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ҳажми, бюджет тақчиллиги ва бошқалар) ва уларнинг истиқболлари; инвестиция фаолияти соҳасидаги меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва такомиллашганлик даражаси; солиқ тизимининг мукамаллик даражаси; инвестиция ҳавфи даражаси ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, объектларнинг инвестициявий жозибadorлиги муаммоси кўп қиррали ва нисбатан мустақил. Унинг назарий ва амалий жиҳатларини ажратиб кўрамиз. Биринчидан, сарфланадиган маблағлар

бошқа турларининг манфаатлилиги билан таққослаганда реал капиталга (капитал қўйилмаларга) инвестиция ҳаражатларининг жозибadorлиги. Масалан, инфляция жараёнлари, давлат қимматбаҳо қоғозларининг юқори фойда келтириши ва кўплаб бошқа омиллар молиявий активларга ёки жорий савдо операцияларига инвестицияларни узоқ муддат қопланадиган инвестицияларга нисбатан фойдалироқ қилади. Инвестициявий жозибadorликнинг иккинчи муҳим жиҳати - бу реал амалга ошадиган инвестицияларнинг мамлакатнинг аниқ тармоқ, корхона ва минтақаларига интилишидир. Потенциал инвестиция олувчилар (корхона эгалари, минтақалар ва мамлакат резидентлари) ўртасида инвестицияларни жалб қилиш учун рақобат пайдо бўлади. Инвестициявий жозибadorлик ва уларнинг инвестиция бозоридаги рақобатдошлигини акс эттиради.

Илмий тушунча сифатида инвестициявий жозибadorлик маҳаллий адабиётларда турли объектларга: алоҳида корхоналар, мамлакат, ҳудудлар ва соҳаларга нисбатан кенг акс эттирилди.

Таҳлил қилинаётган ҳодиса ва тушунчаларга турли назарий ёндашувлар ва уларни илмий адабиётларда акс эттиришнинг баҳсга сабаб бўлувчи табиати инвестиция имкониятлари, инвестициявий жозибadorлик ва инвестиция муҳитини баҳолашнинг турли усуллари амалда қўлланишига олиб келади. Улардан турли рейтинг агентликлари, илмий журналлар, тартибга солувчи давлат органлари фойдаланади.

Кўплаб методикаларда инвестициявий жозибadorлик ва инвестиция муҳити инвестициявий салоҳият, инвестициявий фаоллик каби тавсифлар, ҳамда объектларнинг фойда

келтириши, уларнинг рентабеллиги, молиявий самарадорлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, бозорларнинг ривожланиш истиқболлари, минтақаларнинг иқтисодий салоҳияти тавсифи, инвесторларга бериладиган маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатлар каби қўшимча параметрларни ўз ичига олувчи хусусиятлар сифатида ўрганилади. Инвестицияларнинг жозибадорлиги кўп ҳолларда инвестиция фаолиятида учрайдиган турли хатарлар (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, экологик, ижтимоий, коррупция, жиноий) билан боғлиқ. Кўпинча рейтинг ва методикаларни тузувчилар реклама мақсадларига интиладилар. Бироқ, илмий-таҳлилий фаолиятда инвестиция жараёнлари билан боғлиқ турли жиҳатларнинг омиллари ва ўзаро боғлиқлигини аниқлаш учун, бизнинг фикримизча, таҳлил қилинадиган тоифалар ўзининг конкрет мазмуни билан тўлдирилиши керак.

Бир қатор асарларда “инвестициявий жозибадорлик” ва “инвестиция муҳити” тушунчаларини иқтисодий тизимнинг улар қўлланадиган турли даражаларига қараб фарқлаш муҳимлиги таъкидланади[8]. Иккала ҳодисани мустақил ҳодиса сифатида ўрганишда умумий қулай ёки ноқулай инвестиция муҳити шароитида муайян объектларнинг инвестициявий жозибадорлигининг фарқланиши фактига дуч келамиз.

Иқтисодий таҳлил ва инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиш мақсадлари, бир томондан, “инвестициявий салоҳият”, “инвестициявий жозибадорлик”, “инвестициявий фаоллик”, “инвестиция эҳтиёжлари”, “инвестиция муҳити” ва “инвестицияларнинг самарадорлиги (натижа бериши)” ни ўзигагина хос бўлган тавсифи ва шаклланиш омилларига эга нисбатан мустақил жараён ва категориялар сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Бошқа томондан, инвестиция жараёнига тизимли ёндашув уларни ўзаро боғлиқликда, ўзаро таъсир этиш, ҳамда ролини “инвестиция модули” тушунчаси бажариши мумкин бўлган ягона категория доирасида ўрганишни назарда тутди. Ушбу мақолада биз инвестициявий салоҳият тушунчаси ва тузилмасини конкретлаштириш, инвестиция модулининг бошқа элементлари билан унинг ўзаро муносабатлари изоҳини кенгайтириш вазифасини қўйдик. Инвестициявий салоҳият, инвестиция модули тизимидаги мустақил тушунча сифатида, бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, энг аввало, ресурс тавсифи ҳисобланади.

Инвестициялаш ресурслари жозибадорлигига қараб турли даражаларда фойдаланилиши, ҳамда ҳар хил соҳалар ва объектларга йўналтирилиши мумкин. Объектларнинг инвестициявий жозибадорлиги деганда турли субъектларнинг (фирмалар, давлат идоралари, аҳоли) ўз маблағларини муайян объектларга (корхоналар, тармоқлар, минтақалар, мамлакатлар) инвестиция қилишга сарфлаш истаги тушунилади. Турли хўжалик юритувчи субъектларнинг реал инвестициявий фаоллиги уларнинг ўзининг (ички) инвестициявий салоҳияти таъсири остида бўлгани каби, ташқи инвесторлар учун манфаатли бўлиши таъсирида ҳам шаклланади.

Хулоса. Бизнинг фикримизча, инвестицияларнинг ички жозибадорлиги тўғрисида ҳам айтиб ўтиш лозим, чунки муайян ташкилотлар, тармоқлар ва ҳудудларнинг инвестициявий салоҳияти турли хил механизмлар (банк тизими, қимматли қоғозлар бозори, хўжаликлараро кредитлар) орқали бошқа жозибадор шакл ва соҳаларда фойдаланилиши мумкин.

Объектларнинг инвестициявий салоҳияти ва инвестициявий жозибадорлигини шакллантирувчи бир қатор омиллар мос келади. Масалан, тармоқ ва корхоналарнинг юқори рентабеллиги ўзига хос ёпиқ занжирни ҳосил қилади: юқори рентабеллик фойда учун муҳим ички инвестициявийсалоҳиятни яратади ҳамда ташқи ва ички инвестицияларни жалб этиш омили ҳисобланади. Шу сабабли, масалан, солиқ юкининг умумий пасайишига йўналтирилган инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари барча тармоқларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтириши мумкин, бироқ автоматик равишда рентабеллик даражаси нисбатан паст бўлган тармоқ ва корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлигининг ошишига олиб келмайди. Ўзбекистонда ўтиш даври иқтисодиёти, асосан хом ашё ва энергия ишлаб чиқарувчи соҳаларнинг кўпайишини таъминлади ва қайта ишлаш саноати билан боғлиқ фаолият турларининг таназзулига олиб келди. Фақатгина бозор кучлари ва қолипларида қолдирилган инвестиция жараёнлари мамлакатнинг фақат хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилишига олиб келди.

Инвестицияларни давлат томонидан тартибга солишнинг энг таниқли механизмларини таҳлил қилишимиз шуни кўрсатдики, кўплаб воситалар инвестиция ресурслари ва объектларнинг инвестициявий жозибадор-

лигига тенг равишда таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун иқтисодий таҳлил ва иқтисодий сиёсатда инвестициявий салоҳият ва инвестициявий жозибдорлик туунчаларини фарқлаш талаб этилади.

Фикримизча, "инвестициявий салоҳият" тушунчаси инвестиция жараёнини, унинг имкониятлари, нуқтаи назаридан, инвестициявий жозибдорлик эса муайян объектларга инвестиция киритиш учун рағбатлантириш нуқтаи назаридан, акс эттиришга қаратилган, "инвестиция муҳити" категориясининг вазифаси эса инвестиция жараёнининг шартлари, омиллари ва суръатларини кенг изоҳлашдир. Инвестициявий жозибдорлик инвестициявий салоҳиятни кенгайтириш омили сифатида ҳам, умумий инвестициявий салоҳиятдан фойдаланиш даражаси омили ва пировардида турли хўжалик юритувчи субъ-

ектларнинг реал инвестициявий фаоллиги омили сифатида ҳам хизмат қилади.

Инвестиция муҳити тўғридан-тўғри алоқалар тизимининг инвестициявий салоҳият ҳажми ва объектларнинг инвестициявий жозибдорлигини шакллантирувчи омиллар тизими билан бўлгани каби, қайта алоқалар, ва инвестициявий фаоллик ҳамда инвестицияларнинг инвестициявий салоҳият ривожига объектларнинг инвестициявий жозибдорлигига нисбатан натижавийлиги таъсири билан ҳам шаклланади.

Бунда, инвестиция муҳитини тадқиқ қилишда нафақат тадбиркорликни рағбатлантиришга, балки давлат ва минтақавий органларнинг инвестиция жараёнлари учун шарт-шароитлар яратиш фаолиятига, унинг қисқа муддатли эмас, балки барқарор тавсифига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. [Lex.uz](http://lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495- сонли «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz
3. Узбекистан – деловой партнер (потенциал преобразований, инвестиционный климат). Ташкент, 1996.
4. Алиев А.И. Методы оценки инвестиционного климата // Современные наукоемкие технологии. 2004. № 2. 122-123 бб;
5. Благодатин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. М., Инфра-М, 2001. 124б.
6. Кирюхин В.В. Инвестиционный риск в анализе инвестиционной привлекательности // Проблемы современной экономики. 2006. № 3. 19б.
7. Мальков Э.Д. Оценка инвестиционного климата в России // Ташки иқтисодий бюллетень. М.: 2000. № 1. 34–40 б;
8. Подшиваленко Г.П. Инвестиционный климат и инвестиционная привлекательность. // Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2010. № 15.
9. Ройзман И.И. Типология инвестиционного климата регионов на новом этапе развития российской экономики // Инвестиции в России. 2003. № 3. 7–8б.
10. Самарходжаев Б. Инвестиции в Узбекистане. Тошкент, Академия, 2003. 34б.
11. Сачук Т.В. Территориальный маркетинг. СПб.: Питер, 2009. 78б;
12. Сукиасян А.А. Методика оценки инвестиционного климата региона // Государственное управление. Электронный вестник. № 31 сон. 2012.1-11б;
13. Хашимова Н.А. Совершенствование научно-методологических основ развития инвестиционного потенциала в республике Узбекистан / Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини оли учун Автореферат. Тошкент-2017.
14. Шарп У. Ф., Александер Г. Дж., Бэйли Дж. В. Инвестиции. Москва, ИНФРА-М, 2009. 46-49бб;
15. <http://www.raexpert.ru/ratings/>

САНОАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Хакимов Зиёдулла Ахмадович -

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси, PhD**

Раджабов Бунёд Абдухалилович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

Иқтисодиёт таълим йўналиши 3 курс ЕК-02-гурӯх талабаси

Аннотация. Мақолада саноат корхоналарида инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолашнинг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилган. Саноат корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини бошқариш модели таклиф этилган. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини халқаро ва миллий стандарт талабларидан келиб чиқиб баҳолаш усули таклиф этилган.

Калит сўзлар: Саноат, инвестиция, рақобат, лойиҳа, инвестицион лойиҳа, лойиҳа самарадорлиги, лойиҳа бошқаруви, халқаро стандартлар, миллий стандартлар, лойиҳа менежери.